

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЯРБАБАЕВ АЗАМАТ АСРОРОВИЧ

**ДИЗЕЛ МОЙЛАРИНИНГ КОЛЛОИД-ХИММОТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Ярбабаев Азамат Асрорович

Дизел мойларининг коллоид-химмотологик хусусиятларини
такомиллаштириш.....3

Ярбабаев Азамат Асрорович

Совершенствование коллоидно-химмотологических свойств дизельных
масел.....23

Ярбабаев Азамат Асрорович

Improvement of colloid-chemmotological properties of diesel oils.....43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works46

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ЯРБАБАЕВ АЗАМАТ АСРОРОВИЧ

**ДИЗЕЛ МОЙЛАРИНИНГ КОЛЛОИД-ХИММОТОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т582 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳамидов Босит Набиевич

Техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Улуғ Каримович

кимё фанлари доктори, профессор

Мухторов Нуриддин Шамшидинович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Бухоро мухандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил « 9 » июнь соат 10⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90, e-mail: ionxanruz@nuu.uz).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси 77-а Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-76-90.

Диссертация автореферати 2020 йил « 1 » июнь куни тарқатилди.
(2020 йил 1 июнь № 6 рақамли реестр баённомаси)

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

С.А.Абдурахимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда энг кенг тарқалган механик энергия манбаи бу – ички ёнув двигателлари, хусусан дизел ёқилғида ишловчи двигателлар ҳисобланади. Машинасозликдаги, хусусан двигателсозлик саноатининг ривожланиши мойлаш материалларини доимий такомиллаштиришни талаб қилади. Мойлаш материалларининг эксплуатацион сифат кўрсаткичлари улар олдига замонавий двигател ишлаб чиқарувчилари томонидан қўйилган талабларга, шу билан бирга экологик талабларга жавоб бериши керак. Бугунги кунда юқори коллоид-химмотологик ва эксплуатацион хоссали дизел мойлари олиш технологияларини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда юқори кўрсаткичларини намоён этувчи, турли оғир эксплуатацион шароитларда ўзининг кимёвий ва дисперсион барқарорлигини сақлаб қолувчи узоқ муддат хизмат қилиш ресурсларига эга дизел мойларини ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган йўналишларда тегишли ечимларини илмий асослаш, хусусан маҳаллий дизел мойларини кимёвий таркиби ва коллоид-химмотологик хоссаларини, уларнинг эксплуатацион хусусиятларига таъсирини аниқлаш; маҳаллий базавий мойлар ва турли функционал қўндирмаларни компаундлаб, янги таркибли дизел мойлари композицияларини олишнинг коллоид-химмотологик қонуниятларини аниқлаш; базавий мой дистиллятлари асосида замонавий талабларга жавоб берувчи дизел мойларини олиш жараёнини мақбул шароитларини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда маҳаллий нефт хомашёлар асосида коллоид-химмотологик хусусиятлари яхшиланган дизел мойларини олиш технологиясини яратиш ва қўллаш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, нефт дисперсион тизимларининг физик-кимёвий назарияси нуқтаи назаридан, маҳаллий хомашёлар ва турли хил кўпфункционал қўндирмалар асосида дизел мойларини олиш жараёнларини интенсификациялаш учун, уларнинг химмотологик ва экологик хоссалари бўйича илмий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Нефт хомашёсидан дизел мойларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш технологияларини жадаллаштириш бўйича F.Nellensteyn, Dr.Simon Tung, Katsihiko Inaba, Гурвич Л.Г., Черножуков Папок К.К., Семинидо Е.Г., Шор Г.И., Виппер А.Б., Фукс И.Г., Матвеевский Р.М., Буяновский И.А., ва Ўзбекистонда илмий яратган республикамиз олимларидан: Ахмедов У.К., Арипов Э.А., Хамраев С.С., Ахмедов У.К., Хамидов Б.Н., Г.Р. Норметова Г.Р., Сайдахмедов Ш.М., Абдурахимов С.А. ва бошқалар улкан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан нефт ва нефт маҳсулотлари устмолекуляр структуралар шаклланиши сабабли коллоид-дисперсион ҳолатига ўтиши ҳисобга олиб, ҳамда бошқарилувчи фазавий айланишлар назариясига суянган ҳолда нефт хом-ашёсини қайта ишлаш, дизел мойларининг сифатини яхшилайдиган турли самарали кўшимчалар олиш, дизел мойларининг эксплуатацион сифатини ошириш орқали ИЁДларининг эксплуатация муддатини ошириш механизмларининг аниқлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари қилинган. Мамлакатимизда Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг (ФНҚИЗ) ва Республикамиз илмий текшириш муассасаларининг етакчи мутахассислари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, дизел мойларини сифат кўрсаткичларини ошириш борасида кўплаб илмий ва амалий натижалар олинган. Хусусан нефт хом-ашёдан мойлаш материалларини ишлаб чиқаришни, уларнинг сифатини такомиллаштиришни назарий асосларини ишлаб чиқиб тадбиқ этишган.

Аммо, бугунги машинасозликдаги, хусусан двигателсозлик саноатининг ривожланиши маҳаллий мойлаш материалларини доимий такомиллаштиришни талаб қилади. Улар замонавий техникани ишлаб чиқарувчилари томонидан қўйилаётган ҳамда бир қаторда бутун дунёда қўлланилаётган API, ACEA, ILSAC, ASTM каби ёқилғи ва мойлаш материалларига қўйилган эксплуатацион ва экологик талабларга жавоб бериши керак. Ушбу юқорида келтирилган мойларга қўйилган талабларга жавоб берувчи маҳаллий дизел мойларини ишлаб чиқариш учун уларга

коллоид-химмотологик ва эксплуатацион томондан ёндошишни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий тадқиқот ишлари режасининг № ПЗ-2017 «0909190631» рақамли «Ишлаб чиқариш иккиламчи маҳсулотларидан фойдаланиб мойлаш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини яратиш» ва № 16-08-рақамли «Мотор мойлари учун янги кўп функцияли депрессор-дисперсловчи қўндирмалар технологиясини яратиш» (2016-2018й.) иновацион ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Маҳаллий нефт хомашёларидан эксплуатацион ва коллоид-химмотологик хусусиятлари такомиллаштирилган юқори сифатли дизел мойларини композицияларини олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дизел мойларининг коллоид-химмотологик хусусиятларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари, ҳамда юқори индексли мойлар ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини ўрганиш;

ФНҚИЗ I-чи, II-чи, III-чи мой дистиллят фракциялари ҳамда гудронни физик-кимёвий хоссалари ва углеводород таркибини аниқлаш;

замонавий юқори сифатли дизел мойларини композициялари ҳамда ФНҚИЗнинг базавий мой компонентларини тадқиқ этган ҳолда, турли функционал қўндирмалар асосида юқори сифатли дизел мойлари янги композицияларини ишлаб чиқиш;

олинган янги дизел мой композицияларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш;

олинган янги композицияларнинг сифатини SAE 10W-40 API CF таснифининг меъёригача етказиш;

К-61 қовушқоқликни оширувчи қўндирмасининг дизел мойларининг қовушқоқлик индексига таъсир этиш механизмларини ўрганиш ва унинг олинган янги композициялар учун оптимал нисбатларини аниқлаш;

маҳаллий ва олинган дизел мойлари композицияларини юк автомобиллари двигателларида эксплуатацион шароитларда синаш ва хоссалари таққослаш;

Тадқиқотнинг объекти. ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган базавий мойлар, дизел мойлари, К-471н, К-61, SAP-110, К-483, ПМС-200А типигаги функционал қўндирмаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети. Дизел мойларини химмотологик хусусиятларини баҳолаш, коллоид-кимёвий модификация, физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссалар, SAE, API ва ACEA мотор мойлари классификациялари, қовушқоқлик индекси, динамик қовушқоқлик,

коагуляция, хемосорбция, компаундлашни оптималлаштириш, технологияни интенсификациялаш иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физик – кимёвий, масс-хроматография ва элемент таҳлил, электромикроскопик, спектроскопик. коллоид-химмотологик ва эксплуатацион синов усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий дизел мойларини коллоид-химмотологик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

маҳаллий ва олинган янги дизел мойлари композицияларининг двигателнинг ишчи кўрсаткичларининг ишончилигига таъсири аниқланган;

функционал қўндирмаларнинг маҳаллий дизел мойларига таъсир этиш механизмлари, хусусан қовушқоқлик индекси, паст ҳароратда қотиш, мойлаш, динамик қовушқоқлиги каби коллоид-химмотологик хусусиятларни ошириши усуллари физик-кимёвий таҳлил усуллари ҳамда эксплуатацион тажриба-синовлар ёрдамида исботланган;

юқори сифатли дизел мой композициялари олиш учун базавий мойлар ва функционал қўндирмаларни компаундлашнинг оптимал нисбатлари аниқланган;

ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган ва олинган янги дизел мойлари композицияларининг эксплуатацион хоссалари ўзаро таққослаш ва таклиф этилаётган дизел мой композицияларининг самарадорлиги исботлаш ёрдамида мотор мойларининг сифат кўрсаткичлари эксплуатацион синовлар орқали баҳолашнинг янги методлари ишлаб чиқилган;

базавий мойлар ва функционал қўндирмаларни компаундлаб, юқори сифатли дизел мойлари композицияларини олишнинг технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Маҳаллий базавий мойлар ва функционал қўндирмалар асосида, замонавий талабларга жавоб берувчи янги кимёвий таркибли дизел мойлари олишнинг технологияси ишлаб чиқилган;

дизел мойини эксплуатацион хоссалари, хусусан қовушқоқлик индекси 92 дан 126 гача, яъни 34 пунктга ошириш имконияти яратилган;

ФНҚИЗда API 2-гуруҳ базавий мойларни олиш технологияси ва композицияларнинг оптимал рецептуралари яратилган;

дизел мойини олишнинг технологияси яратилган ва ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотлар замонавий-кимёвий таҳлил усулларидан фойдаланган ҳолда олиб борилган, ҳамда нефтни қайта ишлаш заводида синаб кўрилганлиги ва ишлаб чиқаришда жорий этилганлиги, турли хил типдаги транспорт воситаларида ишлатилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва нефт саноат

маҳсулотларидан халқаро стандарлар ва замонавий транспорт воситаларининг эксплуатацион талабларига жавоб берувчи юқори сифатли дизел мойларини олиш технологиясини такомиллаштириш яратишга илмий асос бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашёлар асосида юқори сифатли, импорт ўрнини босадиган ва рақобатбардош дизел мойларини ишлаб чиқариш таъминлайдиган, уларнинг янги композицияларини ва ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришнинг самарали услубларини қўллаш орқали мойлаш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ФНҚИЗ мой дистиллятларидан фойдаланиб, янги таркибли дизел мойларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

дизел мойларининг қовушқоқлик индексини ошириш усули Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган (2019 йил 3 декабрдаги «UZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 01/17-5-226-сон маълумотномаси). Натижада дизел мойлари қовушқоқлик индексини 34 пунктга ошириш имкониятини берган;

маҳаллий нефт хомашёсидан юқори сифатли дизел мойларини олиш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий этилган (2019 йил 3 декабрдаги «UZBEKNEFTEGAZ» АЖнинг 01/17-5-226 – сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий нефт хомашёлар асосида янги композицияли мотор мойини ишлаб чиқиш орқали 35% иқтисодий самардорлик эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация комиссиясини диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий

янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Дизел мойларининг коллоид-химмотологик хусусиятларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденцияси”** деб номланган биринчи бобида, Дизел мойларининг коллоид-химмотологик хусусиятларини такомиллаштиришнинг замонавий тенденцияси тўғрисидаги адабиётлардаги маълумотларини кўриб чиқиш орқали, мойларни ишлаб чиқариш саноатидаги асосий технологик жараёнлар тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинди, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилди, селектив ва гидрогенлаш жараёнларидан фойдаланган ҳолда юқори индексли мойларни ишлаб чиқаришнинг замонавий технологиялари тавсифи ўрганилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти, дизел мойларининг коллоид-кимёвий сифатини баҳолаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, дизел мойларининг физик кимёвий хоссалари, зичлиги, қотиш ҳарорати, таркибидаги механик аралашмалар, чакнаш ҳароратини, коллоид, механик ва кимёвий турғунлигини аниқлаш усуллари батафсил ёритилган. Диссертацияда дизел мойларини коллоид барқарорлиги, яъни коллоид системани дисперслик даражасини характерловчи критериясини нисбий баҳолаш мақсадида тадқиқотлар амалга оширилди. Илмий тадқиқот ишида дизел мойларининг функционал таркибини, молекуляр массасини, физик ва коллоид-кимёвий ҳамда эксплуатацион хоссаларини аниқлаш имконини берувчи замонавий ва анъанавий тадқиқот усуллари қўлланилди.


Диссертациянинг **“Дизел мойларини коллоид – химмотологик баҳолашни такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида дизел мойлари учун замонавий қўндирмалар ва уларнинг коллоид – химмотологик хоссаларига таъсир этиш механизмлари, қўндирмали дизел мойларини коллоид барқарорлиги, дизел мойларини реологик хусусиятлари, дизел мойларини рухсат этилган хизмат муддатида эксплуатацион хоссаларини ўзгариш динамикаси, уларга таъсир этадиган факторлар ҳамда ушбу факторларни ўзгартириш ва бошқариш орқали дизел мойларининг сифатини ошириш усуллари тадқиқ қилиши бағишланган.

Илмий тадқиқот жараёнида I-чи, II-чи, III-чи мой дистиллятлари ҳамда гудронни физик-кимёвий хоссалари ва углеводород таркибини аниқланди. Тадқиқот натижалари қуйидаги жадвал ва чизмаларда келтирилган.


**Базавий (товар) мой компонентларининг физик-кимёвий кўрсаткичлари
(Г-24 қурилмасидан олинган намуналар)**

Сифат кўрсаткичларининг номланиши	Базавий мой I фр	Базавий мой II фр.	Базавий мой III фр.	Базавий мой Қолдиқ. фр.
Кинематическая қовушқоқлик, сСт 100 °С да 40 °С да 50 °С да	- - 7,62-8,8	4,18-4,93 20,44- 27,06	6,52-8,24 41,78-67,36 -	17,3-24,75 200-348,3 -
Қовушқоқлик индекси	128	100-112	81-106	88-95
Олтингугурт микдорининг улуши, %	0,14-0,42	0,22-0,6	0,41-0,6	0,51-0,79
Чақнаш ҳарорати, °С	150-160	176-186	187-216	226-246
Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигида	1,0	1,0-1,5	2,5-4,5	5,0-7,0
Қотиш ҳарорати, °С	-47-(-51)	-35-(-39)	-25-(-27)	-15-(-19)
Коксланиш, %	-	-	-	0,49-0,87
Зичлик 20 °Сда, кг/м ³	862-863	864-871	877-886	892-903
Кимёвий таркиби,% Парафин-нафтеновые углеводороды	66,62- 78,21	52,6-66,2	56,57-65,29	32,4-39,84
Ароматик углеводородлар микд. ул., %	22,7-32,2	33,2-44,3	33,9-40,53	57,73-65,8
Смолалали бирикмалар микд. ул., %	0,24-0,38	0,55-0,6	0,34-1,18	1,7-2,08

Юқоридаги келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, I-чи ва III-чи мой дистиллятлари таркибида нафтен-парафинли ва ароматик углеводородлар микдори кўп. Шу билан бир қаторда, мойларини физик-кимёвий, хусусан коллоид барқарорлигини пасайтирувчи смоласимон углеводородлар ҳам мавжуд. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, янги таркибли дизел мойлари ишлаб чиқаришда, уларнинг таркибига дисперсион хоссаларини яхшиловчи қўндирмалар қўшиш лозим.



1 – расм. Хомашё (вакуум коллоннадан чиққан маҳсулотлар), рафинат ва экстрактнинг кимёвий таркиби (I фракция)



2 – расм. Хомашё (вакуум коллоннадан чиққан маҳсулотлар), рафинат ва экстрактнинг кимёвий таркиби (III фракция)

Айни вақтда жаҳонда дизел мойларига қўйилган сўнгги замонавий талаблар мавжуд. 2-жадвалда SAE 10W-40 API SL/CF турдаги барча мавсумлар учун мўлжалланган дизел мойлари учун замонавий талаблар билан ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган М-14Г₂к дизел мойининг сифат кўрсаткичлари таққослаб келтирилган.

SAE 10W-40 API CF ва M-14Г₂к мойларининг хоссалари.

№	Кўрсаткичлар номланиши	SAE 10W-40 API SL/CF	M-14Г ₂ к	
		ISO 54409843- 027-2009	Ts-5767930- 240:2014 бўйича меъёр	Амалдаги
1.	Кинематик қовушқоқлик, 100°C хароратда, мм ² /с	13,5-16,3	13,5-14,5	14,7
2.	Қовушқоқлик индекси, дан кам эмас	<u>120</u>	<u>85</u>	<u>92</u>
3.	Очиқ тигелда чакнаш харорати, °C дан кам эмас	220	220	227
4.	*Ишқорлик сони, мг КОН/г дан кам эмас	7,0	6,0	7,15
5.	Қотиш харорати, °C, дан кам эмас	<u>-35</u>	<u>-15</u>	<u>-17</u>
6.	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигидан кўп эмас	<u>2,0</u>	<u>4,0</u>	<u>3,0</u>
8.	*ПЗВ бўйича ювувчи хусусияти, балл	3	5	4

Ҳозирги вақтда ФНҚИЗдида дизел мойлари, асосан III-чи ва қолдик фракция яъни гудронни компаундлаш орқали олинади. Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари эса, ушбу фракциялар таркибида смолали углеводородлар миқдорини кўплигини кўрсатди. Бу эса маҳаллий дизел мойларини дисперсион хоссаларини пасайтиради. Қуйида ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган дизел мойининг тайёрлаш рецепти келтирилган.

M-14Г₂к дизел мойини тайёрланиш рецепти

Қўндирма ва компонентларнинг номлари	Киритилиш миқдори, %
К-471Н	4,3±0,1
ПМС-200А	0,004÷0,001
К-110	0,2 гача
ёки	ёки
SAP-110	0,2 гача
К-61ёки Плексол-940 ёки ПМАД	0,5 гача
Базавий мойлар: - III фракции фракция компонети - Қолдик фракция компоненти	100% гача

Юқоридаги 2 – жадвални кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган M-14Г₂к турдаги дизел мойи, дизел

мойлари учун қўйилган SAE 10W-40 API SL/CF талабларга қовушқоқлик индекси, қотиш ҳарорати, механик аралашмалар миқдори, ишқор сони, динамик қовушқоқлиги каби кўрсаткичлари жавоб бермайди.

Диссертациянинг “**Коллоид-химмотологик хоссалари яхшиланган янги дизел мой композицияларини олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш**” деб номланган тўртинчи бобида маҳаллий НКЗлардаги нефт ва базавий мойларнинг таркиби ва хоссалари, коллоид-химмотологик хоссалари яхшиланган янги дизел мой композициялари учун оптимал таркибни танлаш, олинган ва маҳаллий дизел мойларини эксплуатацион шароитда синаш, юқори эксплуатацион хоссали дизел мойларини янги композициялари олиш технологиясини ишлаб чиқиш масалалари кўриб чиқилган.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий М-14Г₂к дизел мойи, бугунги кундаги дизел двигателлари мойларига қўйилган замонавий талабларга мос эмас.

ФНҚИЗдидаги базавий мойлар ва турли функционал қўндирмалар асосида янги таркибли дизел мойлари олиш учун, биз томонимиздан бир нечта рецептлар асосида дизел мойлари олинди. Ушбу мой рецептлари қуйидаги 4-жадвалда жадвалда келтирилган.

4 – жадвал

Янги таркибли дизел мойларининг олишнинг рецептлари

№	Базавий мойлар ва қўндирмалар	Тадқиқ қилинган мой рецептлари							
		№1а намуна	№1в намуна	№1с намуна	№2а намуна	№2в намуна	№2с намуна	№3в намуна	№3с намуна
1	III фракция тайёр мой компоненти	20%	20%	20%	30%	30%	30%	40%	40%
2	II фракция тайёр мой компоненти	80%	80%	80%	70%	70%	70%	60%	60%
3	К-61 қўндирма	1,3%	1%	0,7%	1,3%	1%	0,7%	1%	0,75
4	К-471н қўндирма	4,4%	4,4%	4,4%	4,4%	4,4%	4,4%	4,4%	4,4%
5	ПМС-200А қўндирма	0,005	0,005	0,005	0,005	0,005	0,005	0,005	0,05

Ушбу келтирилган жадвалдаги рецептлар асосида 8 турдаги янги таркибли дизел мойлари олинди ва ушбу мойларнинг физик – кимёвий хоссалари ўрганилди. Янги таркибли дизел мойларининг физик – кимёвий хоссалари қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

Янги таркибли дизел мойларининг физик – кимёвий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номланиши	Ts 05767930- 240:2014 бўйича	Дизел мойи намуналари							
			№1а намуна	№1в намуна	№1с намуна	№2а намуна	№2в намуна	№2с намуна	№3в намуна	№3с намуна
1.	Кинематик қовушқоқлик, 100°C ҳароратда, мм ² /с		15,4	13,9	10,6	19,3	14,5	11,6	14	10,2
2.	Қовушқоқлик индекси		127	126	125	128	126	125	124	123
3.	Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °C		218	220	-	216	221	228	229	231
4.	*Ишқор сони, мг КОН/г		5,5	6,1	6,3	5,7	6,8	8,5	6,3	5,9
5.	Қотиш ҳарорати, °C		-21	-23	-18	-	-21	-19	-19	-
6.	Колориметрда ранги, ЦНТ бирлигида		1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,0	1,5	1,5
7.	Зичлик 20°C, кг/м ³		882	882	883	883	883	884	884	880
8.	Сульфат кули, %		0,7	0,8	0,7	-	-0,8	-	0,8	-

Юқоридаги мой намуналаридан, нисбатан юқори сифат кўрсаткичларини намоён этган, **1в**, **2в** ва **3в** дизел мойлари намуналари ажратиб олинди ва физик – кимёвий таҳлил ва эксплуатацион тадқиқот усуллари ёрдамида уларнинг физик – кимёвий, коллоид – химмотологик ва эксплуатацион хоссалари ўрганилди. Олинган янги мой намуналарига шартли равишда қуйидагича номланди: 1в мой намунаси – ИОНХ-1; 2в мой намунаси – ИОНХ-2; 3в мой намунаси – ИОНХ-3.

Олинган дизел мойи намуналари ва ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий М-14Г₂к дизел мойининг таққосланган хоссалари 6-жадвалда берилган.

Ушбу таққослаш натижаларидан кўриниб турибдики, биз томонимиздан олинган мой намуналари ИОНХ-1, ИОНХ-2 ва ИОНХ-3 маҳаллий М-14Г₂к дизел мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичини намоён этди. Ушбу кўрсаткичлардан асосийси ҳисобланган мойларнинг қовушқоқлик индекси фарқи 5 – расмда келтирилган.

Олинган мой намуналари ва М-14Г₂к маҳаллий дизел мойлари сифат кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номланиши	ИОНХ-1	ИОНХ-2	ИОНХ-3	М-14Г ₂ к
1.	Кинематик қовушқоқлик, 100°С ҳароратда, мм ² /с	13,9	14,5	14	14,7
2.	Қовушқоқлик индекси	126	126	124	92
3.	Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °С	220	221	229	227
4.	*Ишқор сони, мг КОН/г	6,1	6,8	6,3	7,15
5.	Қотиш ҳарорати, °С	-23	-21	-19	-17
6.	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигида	1,0	1,0	1,5	3,0
7.	Зичлик 20°С, кг/м ³	882	883	884	897
8.	Сульфат кули, %	0,8	0,8	0,8	0,9
7.	Фаол элементлар масс. улуши, %,: - рух - кальций	0,051 0,33	-	-	0,075 0,23

Юқоридаги олинган тадқиқот ва таҳлил натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, биз томонимиздан олинган мой намуналари маҳаллий дизел мойидан юқори сифат кўрсаткичларига эга ва дизел мойларига қўйилаган замонавий API SL/CF талабларига жавоб беради.

Олинган дизел мойларининг композициялари физик-кимёвий хусусиятларни стандарлар ва техник шартларга жавоб бериши ва улар ФНҚИЗда Ts бўйича ишлаб чиқарилаётган М-14Г₂к дизел мойининг кўрсаткичларидан эксплуатацион кўрсаткичлари бўйича нисбатан бир неча пунктга баланд эканлиги аниқланди.

Шуларни инобатга олган ҳолда, илмий ишимизнинг асосий мақсади маҳаллий ФНҚИЗда ишлаб чиқарилаётган дизел мойларининг химмотологик ва эксплуатацион хусусиятларини ошириш бўлганлиги сабабли, ушбу композицияларни замонавий техникаларда реал эксплуатация шароитида эксплуатацион сифат кўрсаткичларини синаш ишларини амалга оширдик.

Синов тадқиқот учун “JV-MAN AUTO” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган германиянинг D0836 LFL13 4-тактли турбонаддув тизимли дизел двигатели билан жиҳозланган MAN CLA 37.280 маркадаги юк автомобиллари танланди.



5– расм. Олинган ва маҳаллий дизел мойининг қовушқоқлик индекси

Синов жараёни ўрта мураккаб эксплуатация шароитларда ўтказилди. Танлаб олинган MAN CLA 37.280 юк автомобиллари дигатетеги ИОНХ-1 ва ФНҚЗ М-14Г₂к мойлари солинди ва бир хил шароитда эксплуатация қилинди. 3000 км масофа босиб ўтилгандан сўнг двигателдан ишлатилган мойларининг намуналари олинди ва ФНҚИЗнинг 17-синов-тадқиқот лабораториясида физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилди. Тадқиқот натижалари 7 – жадвалда келтирилган.

7 – жадвал

Олинган ва маҳаллий дизел мойларини эксплуатацион шароитдаги синов натижалари

№	Кўрсаткичлар номланиши	Тs 05767930-240:2014 бўйича меъёр	ИОНХ-2 0 км	ИОНХ-2 3000 км	М-14Г2к 0 км	М-14Г2к 3000 км	М-14Г2к 4000 км	М-14Г2к 4500 км
1.	Кинематик қовушқоқлик, 100°С ҳароратда, мм ² /с	13,5-14,5	13,9	14,5	14	15,2	14,9	15,5
2.	Қовушқоқлик индекси	85 дан кам эмас	126	121	92	82	117	104
3.	Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °С	220 дан кам эмас	220	221	227	231	227	222
4.	*Ишқор сони, мг КОН/г	6,0 дан кам эмас	6,8	6,5	7,15	6,8	6,2	5,8
5.	Қотиш ҳарорати, °С	-15 дан кўп эмас	-21	-19	-19	-15	-17	-14
6.	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигида	4,0 дан кўп эмас	1,0	2	3	4,5	2	3
7.	Зичлик 20 °С, кг/м ³	910 дан кўп эмас	883	889	888	893	893	897
8.	Сульфат кули, %	1,15 дан кўп эмас	0,8	1,05	0,9	1,2	1,1	1,4

Ушбу жадвалдаги натижаларни таҳлил этиб, ИОНХ-2 ва М-14Г₂к мойларининг 3000 км масофани босиб ўтгандан сўнг ҳам ИОНХ-2 дизел мойининг кинематик қовушқоқлик, қовушқоқлик индекси, қотиш ҳарорати ва колориметрдаги ранги кўрсаткичлари бўйича М-14Г₂к мойига нисбатан бир неча пунктларга яхшилиги ва ҳали ҳам стандарт талаблари даражасида эканлигини ва унинг фойдали ва ишончли ишлай олиш ресурси борлиги аниқланди.

Мойларнинг углеводород таркиби ва композициянинг мақбуллиги уларнинг коллоид хоссаларига таъсир этиши ва бу ўз навбатида коллоид таркибнинг барқарорлигига таъсир этди.

Дизел мойларининг коллоид барқарорлиги дисперс системадаги дисперс муҳит (дизел мойи) ва дисперс фазанинг (қўндирмаларининг) дисперслилик даражасига боғлиқлиги, бизнинг ишлаб чиққан композициядаги углеводород таркибнинг нисбатан бир хил молекуляр массадаги қуйимолекуляр углеводордлардан ташкил топгани ҳамда ҳарорат, босим, металлларнинг каталитик таъсири юқоримолекуляр углеводородларга нисбатан таркибдаги тўйинмаган углеводородлар, гетероароматик боғлар ҳамда асфальтен ва смолалар миқдорининг камлигига боғлиқлиги аниқланди. Зеро мойларнинг икки дисперс системага ажралиши, ундаги кечадиган жараёнларнинг мойнинг эксплуатацион сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши кузатилди.

Коагуляцияга учраган системада дисперс фаза заррачаларининг (қўндирма зарралари) дисперс муҳит билан дисперс фаза зарраларининг седиментацион чўкма ҳосил қилиши, синергетик ўзаро таъсири пасайиб, системанинг антагон таъсири кучайиши кузатилди.

Дизел мойининг динамик қовушқоқлигини аниқлаш орқали унинг ИЁДдаги ҳаракати имитация қилиш. Юқорида келтирилган жадваллардаги дизел мойлари учун замонавий API, ACEA, ILSAC, ASTM стандартлари асосида, мойларнинг ИЁДлардаги юқори ҳарорат, босим, юкланиш ва деформация каби реал динамик ҳолатларда ўзининг керакли хусусиятларини максимал сақлаган ҳолатда ишончли ҳимоя қилиш кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни нисбатан баҳолаш учун ротацион вискозиметрия усули ёрдамидаги эксплуатацион синовлардан ўтиши шарт.

Чиноз нефтни қайта ишлаш заводи (ЧНҚИЗ) марказий лабораториясидаги Германиянинг **RHEOTEST RN 4.1** русумли ротацион вискозиметрда (HTHS-high temperature high share) яъни юқори ҳарорат ва юқори силжиш тезлигидаги ва **MRV** (Micro Rotary Viscometr) вискозиметрида паст ҳароратдаги динамик қовушқоқлик кўрсаткичлари аниқланди ва таҳлил этилди. Синов натижалари 9 – жадвалда келтирилган.

Олинган ва маҳаллий дизел мойларини RHEOTEST RN 4.1 русумли ротацион вискозиметрда аниқланган қовушқоқлик индекси натижалари

№	Кўрсаткичлар номланиши	Синов методи	ИОНХ-2 0 км	ИОНХ-2 3000 км	М-14Г2к 0 км	М-14Г2к 3000 км
1.	Қовушқоқлик индекси	TsH 05767930-240:2014	126	121	92	82
2.	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигида	TsH 05767930-240:2014	1,0	2	3	4,5
3.	Динамик қовушқоқлик, сП, - 25 ⁰ С хароратда, 7000 дан кўп эмас	ASTM D 5293 (Паст ҳоратли ДК)	6870	7860	8790	9760
4.	Динамик қовушқоқлик, сП, 150 ⁰ С хароратда, силжиш тезлиги (10 ⁶ с/1)да, 3,5 дан кам эмас	ASTM D 5481 (Юқори ҳоратли ДК)	3,7	4,1	5,7	6,9

Ушбу жадвалнинг 3-чи рақамдаги паст ҳароратли динамик қовушқоқлик кўрсаткичида кўриниб турганидек, янги ИОНХ-2 дизел мойи композицияси ASTM D 5293 стандартига жавоб бермоқда. Ўз ўрнида янги М-14Г2к мотор мойи композицияси замонавий эксплуатацион стандарт кўрсаткичларига тўғри келмайди.


Юқоридагиларни ҳисобга олиб, уларнинг маълум бир эксплуатация муддати, яъни MAN CLA 37.280 юк автомобилида 3000 км масофа босиб ўтилгандан сўнг, намуналар олинди ва яна юқорида келтирилган жиҳоз ва усуллар ёрдамида қайта тадқиқ этилди.

Дизел мойларининг коллоид барқарорлигининг асосий омиллари бўлган дисперс системанинг маълум эксплуатация муддатидан сўнг дисперслилик даражасини йўқотиши, яъни оксидланиш натижасида молекулаларнинг ўзаро бириқиб йириклаши оқибатида коагуляция жараёнининг тезлашиши билан боради. Жадвални №2 қаторида берилган дизел мойларининг ЦНТ колориметридаги бирлигининг ошиши мойнинг рангининг оч тусдан тўқ тусга ўтиши билан ифодаланади. Колориметр бирлигининг ўсиши мойдаги дисперс қўндирмаларнинг мойнинг дисперс ҳолатини сақлаш имкониятлари сустлашиб, уларда коагуляция натижасида

дағал дисперс системага ўзгариши билан кузатилди. Коагуляция жараёни кучайиб, мойнинг ранги тўқ тусга ўзгаргани баробарида қовушқоқлик индекси ва паст ҳароратли динамик қовушқоқлик хоссалари сусайгани аниқланди. Аксинча, юқори ҳароратли динамик қовушқоқлик хоссари яхшиланиши кузатилди.


Иқтисодий самарадорлик. Мойнинг реал эксплуатация шароитида ишлаш ресурсинини 39% га оширилганлиги 4.9-жадвалдаги кўрсаткичлардан кўриниб турибди. Ўз навбатида умумий ҳисобда фақат мойнинг миқдоридан тежалган маблағ ўртача нисбатда 35% ни ташкил этади. Бундан ташқари мой алмашириш учун сервис хизмат, ушбу сервис хизматда албатта алмаштирилиши шарт бўлган мой ва ёқилғи филтрлари каби эксплуатацион деталларнинг 39% кўпроқ муддат ишлаши натижаси ҳамда автомобилнинг даромад келтирадиган фойдали иш вақтида штатида бўлиши каби капитал харажатларни умумий ҳисоблаганда иқтисодий самарадорлик 60% дан кўпроқ бўлиши аниқланди.

Юқори эксплуатацион хоссали дизел мойларини янги композициялари олиш технологиясини ишлаб чиқиш. Бугунги кунда ФНҚИЗдида дизел мойи М-14Г₂к қуйидаги технологик тизим орқали ишлаб чиқарилади.



9 – расм. М-14Г₂к дизел мойини ишлаб чиқариш технологик тизими

Юқоридаги технологик тизимдан кўриниб турибдику, ушбу жараёнда асосан 3-чи ва қолдиқ мой фракциясидан фойдаланиляпти. Бу эса дизел мойини коллоид-кимёвий, эксплуатацион хоссаларини пасайтиради. Технологик тизимда эса дизел мойи фракциялари ва қўндирмалар фақатгина аралаштиричида ҳам аралаштириш ҳам қиздириш жараёни амалга оширилади. Бу эса мой ва қўндирмаларни тўлиқ аралашиб кетишини таъминламайди. Чунки мойлар биринчи навбатда ўзаро аралашини, бунинг учун мой фракцияларининг ҳарорати 120° С бўлиши керак. Юқоридаги технологик тизимни камчилиги унинг даврий ишлашида. Ўтказилган тадқиқотлар асосида юқори сифатли дизел мойларини ишлаб чиқаришнинг янги технологик тизимини ишлаб чиқдик (10 – расм).



10 – расм. Юқори сифатли дизел мойлари ишлаб чиқаришнинг технологик тизими

Ушбу технологик тизим ёрдамида коллоид-химмотологик, эксплуатацион хоссалари яхшиланган дизел мойи ишлаб чиқариш мумкин. Биз томнимиздан таклиф этилаётган технологик тизимда, 2-чи ва 3-чи мой фракциялари бирлаштирилиб, иссиқлик алмаштиргичда берилади ва унда 120°C гача, сўнгра дозаторда кўндирмалар кўшилади. Ушбу композиция қувурда аралаштиргичга боргунча қувурда бир қисм аралашади ва аралаштиргичга тўлиқ аралаштирилади. Бунинг натижасида тўлиқ аралашган, яхлит дизел мойи композицияси ҳосил бўлади.

ХУЛОСА

1. Коллоид – химмотологик қонуниятлар асосида, ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган маҳаллий М-14Г₂к ва олинган дизел мойларининг эксплуатация шароитидаги хоссалари аниқланди. Ушбу хоссаларни ошириш учун базавий мойларининг сифати уларнинг таркибидаги углеводород гуруҳларининг таркибига ва миқдорига ҳамда уларнинг коллоид барқарорлигига боғлиқлини кўрсатади.

2. Дизел мойларининг эксплуатацион хусусиятларини ошириш учун унинг бир неча базавий фракциядан ташкил топган композициясини оптималлаштириш зарур. Хусусан базавий мой таркибида изо-тузулишга эга парафин ва нафтен углеводородлар мойнинг қовушқоқлик индекси, мойлаш, антиоксидловчи, детергент-дисперсловчи каби химмотологик хусусиятларига ижобий таъсир кўрсатади.

3. Дизел мойлари учун замонавий кўндирмалар ва уларнинг мойларнинг коллоид – химмотологик хоссаларига таъсир механизми ўрганилди. Аниқландики, парафин-нафтен углеводородлардан ташкил топган нисбатан суюқ енгил мой фракцияларини қоқушқоқлик кўндирмалари билан қовушқоқлигини ошириш, юқори индексли сифатли дизел мойлар олиш имконияти беради.

4. ФНҚИЗдида ишлаб чиқарилаётган мой дистиллятлари ва функционал кўндирмалар асосида янги таркибли, коллоид – химмотологик хоссалари яхшиланган дизел мой композициялари рецептлари тавсия этилди.

5. Юқори сифатли дизел мойларини олиш учун маҳаллий базавий мойлар ва функционал кўндирмаларни компаундлашнинг муқобил нисбатлари топилди. Тадқиқот ва эксплуатацион синов натижалари асосида

базавий мойларнинг 2-фракцияси 65% ва 3-фракцияси 35% фоиздан ташкил топган композицияси мақбул эканлиги аниқланди. Ушбу композицияга К-61 ва “ПМА В” қовушқоқлик қўндирмасининг 1,3% дан 1,7% гача миқдорда киритиш, уни энг максимал индексига эришиши таъминлаганлигини кўрсатади.

6. М-14Г₂к мойининг жорий композицияси таркибидаги 3 - базавий мой фракциясининг таркибида асфалтен ва смоласимон моддалар миқдорининг юқорилиги, улар тез оксидланишга мойиллиги туфайли мойнинг коагуляциясини жадаллаштириши аниқланди. Ушбу мой фракцияларини дизел мойларини композицияларига қўлламаслик тавсия этилди.

7. Олинган дизел мойи композициялари маҳаллий М-14Г₂к мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичига эга эканлиги ва дизел мойларига қўйилган замонавий талабларга мос келиши эксплуатацион синовлар ёрдамида аниқланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ

ЯРБАБАЕВ АЗАМАТ АСРОРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОЛЛОИДНО-ХИММОТОЛОГИЧЕСКИХ
СВОЙСТВ ДИЗЕЛЬНЫХ МАСЕЛ**

02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/T582

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара (www.ionx.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Хамидов Босит Набиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ахедов Улуғ Каримович
доктор химических наук, профессор

Мухторов Нуриддин Шамшидинович
доктор технических наук.

Ведущая организация:

Бухарский инженерно-технологический институт

Защита состоится « 9 » июня 2020 г. В 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanrux@mail.ru

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за № 6, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а). Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90.

Автореферат диссертации разослан « 1 » июня 2020 года
(реестр протокола рассылки № 6 от « 1 » июня 2020 года.

Б.С. Закиров
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

Д.С. Салиханова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

С.А. Абдурахимов
Председатель Научного семинара при
научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире самый распространённый источник механической энергии это - двигатель внутреннего сгорания (ДВС), в частности двигатели, работающие на дизельном топливе. Развитие отрасли машиностроения в частности, двигателестроения требует постоянного усовершенствования качество смазывающих материалов. Эксплуатационные показатели качества смазывающих материалов должны отвечать требованиям, которые ставят перед ними производители современных двигателей, а также экологическим требованиям. В настоящее время совершенствование технологии получения дизельных масел с высокими коллоидно-химмотологическими и эксплуатационными свойствами и повышение её эффективности имеет важное значение.

В мире необходимым является научно обосновать соответствующие решения по направлениям, осуществляемым в производстве дизельных масел с длительными эксплуатационными ресурсами, которые демонстрируют свои высокие эксплуатационные характеристики и сохраняют свою химическую и дисперсионную стабильность в различных тяжелых эксплуатационных условиях, в частности, определить химический состав и коллоидно-химические свойства отечественных дизельных масел, их влияние на эксплуатационные характеристики; коллоидно-химотологические закономерности получения новых композиций дизельных масел путем компаундирования местных базовых масел и различных функциональных присадок; разработать оптимальные условия для процесса получения дизельных масел, отвечающих современным требованиям, на основе базовых масляных дистиллятов.

В нашей республике достигаются научно-практические результаты по созданию и применению технологии получения дизельных масел с улучшенными коллоидно-химотологическими свойствами на основе местного нефтяного сырья. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода высокотехнологичных перерабатывающих отраслей, прежде всего, производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов на качественно новый уровень, направленный на ускоренное развитие»¹. В связи с этим, с точки зрения физико-химической теории нефтяных дисперсионных систем, важно интенсифицировать процесс получения дизельных масел на основе различных многофункциональных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан ПК-4947 “О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы”

присадок и местного сырья, разработать научно-технологические основы их направления по химмотологик и экологическим свойствам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О дальнейших реформах и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научными исследованиями по разработке и интенсификации технологий изготовления и получения дизельных масел из нефтяного сырья занимались такие ученые как F.Nellensteyn, Dr.Simon Tung, Katsihiko Inaba Гурвич Л.Г., Черножуков Папок К.К., Семинидо Е.Г., Шор Г.И., Виппер А.Б., Фукс И.Г., Матвеевский Р.М., Буяновский И.А., в нашей республике данной тематикой занимались: Ахмедов К.С., Арипов Е.А., Хамраев С.С., Ахмедов У.К., Хамидов Б.Н., Нарметова Г.Р., Сайдахмедов Ш.М., Абдурахимов С.А. и другие, провели огромную научно-исследовательскую работу.

Были изучены научно-технологические основы переработки нефтяного сырья и получения нефтепродуктов с учетом теории регулируемых фазовых переходов, в основе которой лежат представления о том, что при определённых условиях нефть и нефтепродукты переходят в коллоидно-дисперсное состояние с формированием надмолекулярных структур, получение различных эффективных добавок улучшающих качество дизельных масел, определение действия механизма увеличения срока службы ДВС за счёт повышения эксплуатационного качества дизельного масла. Ведущими специалистами Ферганского нефтеперерабатывающего завода (ФНПЗ) и научно-исследовательских институтов Республики Узбекистан, были проведены исследования и получено множество научных и практических результатов по улучшению качества дизельного масла. В особенности, производство смазочных материалов из нефтяного сырья, разработка и внедрение теоретических основ повышения их качества.

